

ГЕОПОЛИТИК РАҶОБАТ ШАРОИТИДА ТАРГИБОТ СИСТЕМАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

С.А.Чориев

ҚарДУ профессори

Р.Р.Рустамов

ҚарМИИ доценти

АННОТАЦИЯ

Муаллифлар ушибу мақолада янги асрға келиб, барча тарғибот типларининг характеристики тубдан ўзгариши, тарғиботнинг турли ижтимоий гурухлар ва сиёсий кучлар мақсади йўлида умумсайёравий миқёсда қўлланиладиган қудратли воситага айланганлиги ва тарғибот системасидаги бу ўзгаришилар қатор ижтимоий жараёнлар, тенденциялар, омиллар таъсирида содир бўлаётганлиги асослаб берилган.

Калим сўзлар: тарғибот, тарғибот системалари, геополитик кучлар, глобаллашув, Тарғибот усуслари, тарғибот воситалари.

АННОТАЦИЯ

В данной статье авторы утверждают, что к новому веку характер всех видов пропаганды коренным образом изменился, что пропаганда стала мощным инструментом, используемым в глобальном масштабе в интересах различных социальных групп и политических сил, и что эти изменения в системе пропаганды происходят под влиянием ряда социальных процессов, тенденций и факторов.

Ключевые слова: пропаганда, системы пропаганды, геополитические силы, глобализация, методы пропаганды, средства пропаганды.

ABSTRACT

In this article, the authors argue that by the new century, the character of all types of propaganda has fundamentally changed, that propaganda has become a powerful tool used on a global scale for the purpose of various social groups and political forces, and that these changes in the propaganda system are taking place under the influence of a number of social processes, trends, and factors.

Key words: propaganda, propaganda systems, geopolitical forces, globalization, propaganda methods, propaganda tools.

KIRISH

XXI асрга келиб, барча тарғибот типларининг характеристики тубдан ўзгарди. Унинг ижтимоий аҳамияти ортди, мақсадлари янгича мазмун касб этди, қўлланилиши кўлами кенгайди. Тарғибот турли ижтимоий гурухлар ва сиёсий

кучлар мақсади йўлида умумсайёравий миқёсда қўлланиладиган қудратли воситага айланди. Бу ўз-ўзидан юз бергани йўқ, албатта. Тарғибот системасидаги ўзгаришлар қатор ижтимоий жараёнлар, тенденциялар, омиллар таъсирида содир бўлди. Улар орасида XXI аср бошларига келиб ниҳоятда кескинлашиб қетган геополитик рақобат ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Бинобарин, тарғибот, хусусан тарғибот системасидаги ўзгаришларни аниқлаш учун уни XXI аср бошларида геополитик рақобат контекстида таҳлил қилиш зарур бўлади. Бунинг учун эса, энг аввало, геополитик кучлар ўртасидаги рақобатнинг кескинлашишига олиб келган сабаблар, унинг оқибатлари ўрганилмоғи даркор.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Геополитик кучлар деганда жаҳонда кечаётган жараёнларга таъсир кўрсатишга, уларни ўз манфаатлари сари буриб юборишга, турли минтақалардаги мавқеини оширишга уринган куч марказлари назарда тутилади. Бундай кучлар кишилик жамияти тараққиётининг барча даврларида мавжуд бўлган. Шунуктаи назардан баҳолаганда, инсоният тарихи турли геополитик кучлар ҳукм сурган геополитик даврларнинг изчил алмашинуви жараёнидир. Хусусан, Қадимги дунёда Рим ва Карфаген геополитик кучлар сифатида тарих саҳнига чиққан бўлса, ўрта асрларда улар ўрнини Шарқ ва Фарбда юзага келган қудратли империялар эгаллади. Янги замонда Испания, Португалия ва Голландия, кейинроқ эса Англия, Франция ва Швеция ана шундай кучлар туркумига кирди. XX асрга келиб, геополитик кучларнинг бир блокка бирлашиши урф бўлди. Масалан, аср бошида Германия, Австро-Венгрия ва Италия Учлик иттифоқига бирлашиб, қудратли геополитик блокни ташкил этган бўлса, Франция, Англия ва Россия иштирокида тузилган Антанта мухолиф геополитик блок сифатида юзага келди. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Германия ва унинг иттифоқдошлари бир геополитик блокка, СССР, АҚШ, Англия ва уларнинг иттифоқдошлари иккинчи геополитик блокка бирлашдилар. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг қарийб яrim аср мобайнида “икки қутбли дунё” номини олган давр ҳукм сурди. Бу давр СССР ва АҚШнинг геополитик рақобати остида кечди.

Барча даврларда геополитик кучлар “дунёни бўлиб олишга”, ўз таъсирлари остида турган минтақаларни аниқ белгилаб олишга, турли минтақаларда ўз тараққиёт моделлари ва қадриятлари системасини тарғиб қилишга уриниб келдилар. Геополитик кучларнинг жаҳондаги таъсир доиралари, ўзаро муносабатларнинг фундаментал қоидалари турли ҳужжатларда қайд этилди. Масалан, геополитик кучлар нисбати, улар орасидаги ўзаро муносабатларнинг

қоидалари 1814-1815 йилларда Вена Конгрессида, 1919 йилда Версаль шартномасида, 1945 йилда Потсдам шартномасида қайд этилди. Бирок ҳар сафар бу хужжатлар томонлардан бирининг иродаси билан бузилиб, пировардида жаҳондаги геополитик мувозанат бузилиб турди.

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида жаҳондаги геополитик вазият яна ўзгарди. Европа Иттифоқининг қарор топиши, СССРнинг емирилиши, Хитойдаги ижтимоий тараққиёт характерининг ўзгариши ва шу каби қатор воқеалар таъсирида геополитик кучларнинг янги конфигурацияси юзага келди. Бугунги кунда уч асосий геополитик блок фаолиятининг фаоллашгани кўзга ташланади:

- а) АҚШ ва Буюк Британия;
- б) Европа Иттифоқи;
- в) Россия-Хитой иттифоқчилиги.

Бунга қўшимча қилиб шуни айтиш керакки, кейинги йилларда Лотин Америкасидаги етакчи мамлакатлар, “Осиё йўлбарслари” номини олган давлатлар ҳам мустақил геополитик куч сифатида майдонга чиқмоқдалар.

Мазкур геополитик кучларнинг асосий мақсадлари қўйидагилардан иборат бўлиб қолмоқда: а) жаҳондаги жараёнларни ўз манфаатларига мос ра-вишда ўзгартириш ва қулай вазиятни юзага келтириш; б) бошқа геополитик кучлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётини назорат остида сақлаш.

Геополитик блокларнинг манфаатлари тўқнашиб қолган минтақаларда иқтисодий тараққиёт суръатлари пасаймоқда, ижтимоий вазият издан чиқиб кетмоқда, кишиларнинг турмуш шароитлари ёмонлашмоқда. Кейинги саккиз йилда шундай вазият Тунис, Ливия, Миср, Иордания, Сурия, Ироқ, Ливан, Йемен, Афғонистон, Украина, Молдова ва бошқа мамлакатларда кузатилди. Мамлакатларнинг реал мустақиллигини асраш, уни геополитик кучлар таъси-ри остига тушиб қолишдан сақлаш масаласи барча давлатларнинг стратегик вазифасига айланмоқда.

Геополитик кучлар ўртасидаги мувозанатнинг бузилишига ҳар сафар умумсайёравий таъсир кучига эга у ёки бу ижтимоий воқеа сабаб бўлади. Бундай воқеалар туркумига ижтимоий инқилоб, жамиятдаги иерархиянинг ўзгариши, жаҳон урушлари киритилиши мумкин. Бизнинг давримизда ана шундай жараён вазифасини 2008 йилда аввал АҚШда бошланиб, сўнгра бутун дунё мамлакатларини қамраб олган молиявий-иқтисодий инқирози ўтади.

Умуман олганда, кишилик жамияти тарихида ижтимоий инқирозлар ниҳоятда кўп бора содир бўлган. Оксфорд университети профессори Ф.Кейнинг фикрига қараганда, илк ижтимоий инқироз эрамиздан аввалги 88-йилда Рим

империясида рўй берган.¹ Мутахассислар XX асрда юзага келган ўнга яқин инқирозни тилга оладилар. Масалан, 1900-1903 йилда Европанинг ривожланган мамлакатларида содир бўлган ижтимоий-иқтисодий инқироз ишлаб чиқариш даражасининг кескин пасайиб кетишига сабаб бўлди. АҚШ да “Буюк депрессия” номини олган инқироз 1929-йилда бошланиб, ўн йил давом этди ва аста-секинлик билан Канада, Буюк Британия, Германия ва Франция саноатига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Россияда 1923 йилда саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархлари орасидаги номутаносиблик оқибатида юзага келган инқироз даҳшатли оқибатлар билан якун топди. Шунингдек, 1973 йилдаги нефть инқирози, 1997-1998 йиллардаги Осиё қимматбаҳо қоғозлар бозори инқирози ва шу кабилар ижтимоий тараққиёт суръатларига жиддий таъсир ўтказди. Бироқ улар орасида 2008 йилда бошланган ва асоратлари айрим мамлакатларда ва соҳаларда ҳанузгача тугал бартараф этилмаган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ўзининг кўлами, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий оқибатлари билан айрича аҳамият касб этди.

“Хозирги кунда,- деган эди И.Каримов молиявий-иқтисодий инқироз-нинг илк даврида,- жаҳон иқтисодиёти сўнгги ўн йиллар давомида ривожла-ниш жараёнидаги энг қалтис даврни бошидан кечирмоқда. Жаҳон илк бор де-ярли барча мамлакатларга таъсир кўрсатган молиявий-иқтисодий инқирозга дуч келди.”¹ Мутахассислар мазкур инқирознинг турли сабабларини кўрсата-дилар. Табиийки, молиявий-иқтисодий инқироз қатор ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маданий омиллар таъсирида юзага келди. Улар орасида биринчи навбатда АҚШ фуқаролари орасида истеъмолчилик кайфиятининг илдиз отиб борганини кўрсатиш керак.

Истеъмолчилик кайфиятининг вужудга келиши сабаблари Европа мамлакатларида XIX аср иккинчи ярмида содир бўлган ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ. Бу мамлакатларда кўрсатилган даврда аҳоли норозилигининг ошиб кетиши, фуқаролар турмуш даражасининг пасайиши нафақат хукмон доираларнинг алмашинувига, балки жамият иерархиясининг ҳам ўзгача тус олишига сабаб бўлди. АҚШ ҳукумати, йирик компаниялар ва концерн эгалари бу жараёнлардан тегишли хulosалар чиқардилар. Улар фуқароларнинг майший эҳтиёжларини қондириш, уларни энг зарурий истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор бера бошладилар. Бундай

¹Қаранг: Гринин Л.Е. Об истории экономических кризисов.- Философия и общество, 2009, №1.- С.5.

¹Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияси иштироқчиларига// Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Ж.17.-Т.:Ўзбекистон,2010.- Б.227.

индустрянинг вужудга келиши, бир томондан, мамлакатдаги барқарорликни таъминлашга хизмат қилса, иккинчи томондан компанияларнинг даромадлари миқдорини ҳам оширади. Бунинг натижаси ўлароқ XX аср бошига келиб, шу пайтга қадар саноқли кишиларгина фойдалана олган маҳсулотлар кундалик истеъмол маҳсулотларига айланди. Масалан, 1920-йилларга келиб ўртача иш ҳақи йилига 1236 доллар бўлган бир шароитда бир дона эркаклар костюми 15,85 доллар туродиган бўлди. Г. Форд заводларидағи линиялар минглаб автомобилларни ишлаб чиқара бошлади. 1909 йилда тайёрланган илк “Т” модели 900 доллар турган бўлса, ишлаб чиқариш технологияларининг муттасил такомиллашиб боргани туфайли 1916 йилга келиб бир дона автомобиль нархи 345 долларга тушди. Натижада илк бор оила йиллик даромадининг 10-20 фоизига харид қилса бўладиган маҳсулот оммавий тарзда ишлаб чиқарила бошланди. 1923 йилга келиб, “Форд” автомобили харид қилишнинг ҳафталиқ режаси” эълон қилинди. Унга кўра, ҳар бир талабгор ҳафтасига 5 доллардан тўлаб борар, зарурий маблағ тўланганидан сўнг автомобиль харид қиласди. Ушбу режа шарофати билан 131 минг киши шахсий автомобиль эгасига айландилар.¹

“Боз устига, Ғарбий Европа ва АҚШда кишиларнинг гедонистик интилишларини, истеъмолчилик кайфиятини оқловчи, улуғловчи таълимотлар ҳам ривожлана борди. Аниқ мақсадга бўйсундирилган фаолиятни ҳаётий стратегияга айлантириш, ақлни муваффақиятга эришиш тактикасини рўёбга чиқарувчи қадрият сифатида баҳолаш, борлиқ асосларини аниқлашга эмас, муаммовий ҳолатни бартараф этиш ва ижтимоий шарт-шароитларга мослашиш имконини берадиган услубларни излаб топишга интилиш, ҳақиқатни маълум манфаатга бўйсунадиган нисбий тушунча деб билиш, шахс ижтимоий мақомини яхшилашга хизмат қиласиган оқилона этикадан фойдаланиш, шахс эҳтиёж ва манфаатларини бирламчи қадрият деб билиш – инструментализм, операционализм, прагматизм, позитивизм (кейинчалик неопозитивизм, постпозитивизм) каби таълимотларнинг ушбу принциплари инсоннинг оламга истеъмолчилик муносабатини асослаб берди, истеъмолчилик кайфиятининг кенг илдиз отишига пойдевор яратди.”² Истеъмолчилик Ғарб олами турмуш тарзини белгиловчи асосий мезонга айланди.

Истеъмол маҳсулотлари индустрясининг шаклланиши, истеъмолчилик психологиясининг кенг тарғиб қилиниши Ғарб кишисини ҳамма нарсага истеъмолчилик муносабатида бўлишга одатлантирди, ҳатто маҳсулот нархи

¹ Худойбердиев Д. Истеъмолчилик психологияси: шаклланиши тарихи// ҚарДУ хабарлари, 2017, №1.- 91-б.

² Худойбердиев Д. Истеъмолчилик психологияси: шаклланиши тарихи// ҚарДУ хабарлари, 2017, №1.- 91-б.

билин шахсий моддий-молиявий имкониятлар ўртасидаги номувофиқлик ҳам уни истеъмолчиликдан тўхтата олмайдиган бўлди – бундай вазиятда унга ёрдамга келадиган сон-саноқсиз кредитлар системаси шакллантирилди. Уйжой, автомобиль, қимматбаҳо буюмлар, жиҳозлар, техника воситалари ва ҳоказо-ҳоказолар кредитга харид қилинадиган бўлди.

Фуқаролар уй-жойга бўлган эҳтиёжларини ҳам истеъмолчилик кайфи-яти нуқтаи назаридан баҳолайдиган ва қондирадиган бўлдилар. Шахс молия-вий имкониятлари чекланган ҳолатларда бу эҳтиёжларни ипотека кредитлари эвазига қондириш борган сари авж олиб борди. Бунга жавобан АҚШ Федерал Захира Системаси 2000-2008 йилда истеъмолчиларга 500 дан ортиқ янги кредит шаклларини таклиф этди, кредит олиш имконини берадиган баллар миқдорини 800 дан 500 га қадар туширди, ҳатто 14 ёшга етган йигит ва қизларга ҳам кредит олишга рухсат берди. Уй-жойга бўлган талабнинг бундай қўллаб-куватланиши уй-жой бозоридаги нархларнинг узлуксиз ошиб боришига замин яратди. Масалан, Бостонда 2002 йилда уй-жойнинг 1 м/кв 3 минг доллар турган бўлса, 2005 йилга бориб, 10 минг долларга чиқиб кетди. Айни пайтда қурилиш компаниялари ҳам банклар томонидан кредит маблағлари билан етарли даражада таъминланиб бордилар. Охир-оқибатда 2008 йилга келиб уй-жой бозорида таклифнинг талабдан устуворлиги юзага келди. “Домино” принципига мувофиқ, бу ҳол банклардаги маблағларнинг қайтмаслигига, ликвидлик даражасининг тушиб кетишига, банкларнинг банкрот бўлишига, умуммамлакат миқёсидаги моливий инқирознинг бошланиб кетишига, инқирознинг молия соҳасидан иқтисодиёт соҳасига ўтиб кетишига сабаб бўлди. Ярим йил ўтмасдан, АҚШ молиявий-иқтисодий инқирози бошқа мамлакатларни ҳам қамраб олди ва умумсайёравий тус олди.¹

Инқироз аянчли оқибатларга олиб келди. Барча йирик банклар, улар изидан қолган инвестицион банклар ҳар қандай кредит беришни тўхтатдилар. Бу ҳам кўплаб йирик банкларни ҳалокатдан қутқара олмади: бирин-кетин мазкур молиявий институтлар ўзларини банкрот деб эълон қила бошладилар. Тез орада инқироз молиявий соҳадан иқтисодиётга ўтди. Ишлаб чиқаришга, истеъмол маҳсулотларига ажратиладиган кредитлар миқдорининг кескин камайиши кўплаб гигантлар фоалиятига салбий таъсир кўрсатди. Масалан, автомобиль харид қилиш учун бериладиган кредитларнинг тўхтатилиши Опель ва Форд каби автогигантлардаги ишлаб чиқариш ҳажмларининг сезиларли қисқаришига олиб келди. Молиявий инқироз анъанавий энергия манбалари

¹ Каранг: Чориев С. И. Каримов асарларида ҳозирги замондаги геополитик мақсад-муддаолар талқини// Ислом Каримов сабоқлари.- Қарши: ҚарДУ,2017.- 40-41-бб.

бозорига ҳам таъсир кўрсатди: жаҳон бозорида 1 баррель нефтнинг нархи 147 доллардан 40 долларга қадар тушиб борди.

Энг эътиборлиси, молиявий-иктисодий инқироз жаҳон иқтисодий кўрсаткичларининг пасайишига замин яратди. Масалан, жаҳон савдоси 2008-2009 йилларда 10 фоизга қисқарди.¹ Барча ривожланган мамлакатларда ялпи миллий даромаднинг камайиши кузатилди. Тўғри, 2011 йилда вазият бирмунча ўнглангандек бўлди, бироқ шу йилнинг қузидаги бошлаган иқтисодий рецессия салбий динамиканинг яна узоқ муддат сақланиб қолишига сабаб бўлди.

Инқироз ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатларда иқтисо-дий кўрсаткичларнинг пасайишига, кейин эса ижтимоий муаммоларнинг авж олишига олиб келди. Ҳатто АҚШ, Германия, Англия, Италия, Франция, Япония, Канада каби ривожланган мамлакатларда ҳам инқироз оқибатида фуқароларнинг реал даромадлари миқдори пасая бошлади, кўплаб ижтимоий дастурларнинг бажарилиши вақтинча тўхтатилди, фуқароларнинг мавжуд вазиятдан норозилиги кучайди, ишсизлик даражасининг ошиши кузатилди. Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатларда эса вазият мисли кўрилмаган даражада кескинлашди.

Ана шундай бир вазиятда ривожланган мамлакатлар орасида инқироз оқибатларидан кутулиш учун жаҳонда мавжуд бўлган иқтисодий, молиявий, айниқса энергетик ресурслардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интилиш, жаҳондаги вазиятни ўз манфаатларига мос тарзда ўзгартиришга уриниш кайфияти кучайди. Геополитик майдондаги кучлар нисбати, геополитик блоклар ўртасидаги рақобатни тубдан ўзгартириди. Бугунги кунда бу рақобат жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олмоқда. Қизиғи шундаки, геополитик кучлар ўз манфаатларини рўёбга чиқариш билан чекланмасдан, уни замонавий тарғибот омиллари ва воситалари ёрдамида асослаб беришга интилмоқдалар. Батафсил таҳлил бу тенденцияни чуқурроқ илғаб олишга имкон беради.

1. *Иқтисодиёт соҳасидаги геополитик рақобат.* Бу соҳадаги геополи-тик рақобатнинг мақсади жаҳондаги иқтисодий лидерликни қўлга киритишдан иборатлигича қолмоқда. Бу иттифоқларнинг асосий вазифаси у ёки бу геополитик кучларнинг манфаатларига мос бўлган иқтисодий вазиятни, иқтисодий муносабатларни юзага келтиришдан иборат.

2. *Сиёсат соҳасидаги геополитик рақобат.* Бу соҳадаги геополитик рақобатнинг асосий мақсади жаҳон сиёсий харитасини ўз сиёсий тасавурлари, қадриятлари ва манфаатларига мос равишда қайта тузишдан иборат. Молия-

¹ Қаранг: Объём мировой торговли достиг докризисного уровня// m.rosbalt.ru, 2011, 24 февраля.

вий-иқтисодий инқироздан кейинги даврда геополитик рақобатнинг бу соҳаси қизгин паллага кирди. Турли геополитик кучлар жаҳондаги давлатларнинг асосий белгилари, шакли, сиёсий режимини ягона стандарт асосида ўзгартиришга интила бошладилар. Бироқ масаланинг моҳияти шундаки, ҳар бир геополитик кучнинг бу борада ўз стандартлари мавжуд. Давлат томонидан улардан бирининг қабул қилиниши иккинчи томоннинг эътиrozига ва бу эътиroz оқибатида келиб чиқадиган салбий муносабатларга сабаб бўлади.

3.Ижтимоий соҳадаги геополитик рақобат. Бу соҳадаги геополитик рақобатнинг асосий мақсади турли мамлакатларнинг халқларида мақбул турмуш тарзини шакллантиришдан иборат. Молиявий-иқтисодий инқироз геополитик рақобатнинг бу соҳасини ҳам жадаллаштириб юборди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки у ёки бу халқда муайян турмуш тарзини шакллантириш орқали маълум маҳсулотларга, хизматларга бўлган эҳтиёжни вужудга келтирса бўлади. Бу эҳтиёж, ўз навбатида, геополитик кучларга иқтисодий даромад, сиёсий диви-денд олишга пойdevor яратади.

4.Мафкуравий соҳадаги геополитик рақобат. Бу соҳадаги геополитик рақобатнинг асосий мақсади мафкуравий ва ғоявий гегемонликка эришишдан иборат. Геополитик кучлар мафкуравий гегемонликка эришиш мақсадида нафақат ўзларига хос бўлган турли ғоя ва таълимотлар, анъана ва қадриятларни тарғиб қилмоқдалар, балки турли мамлакатларни ижтимоий тараққиётдан бенасиб қилишга, миллий маънавияти ва мафкурасини емиришга хизмат қила-диган вайронкор ғояларнинг тарқалишига ҳам замин яратмоқдалар.

Хулоса қиладиган бўлсақ, 2008 йилда юзага келган молиявий-иқтисодий инқироз турли геополитик блоклар ўртасидаги ўзаро рақобатни бенихоя кучайтирди. Асл муддаолари жаҳондаги етакчиликни қўлга киритиш, глобал жараёнларни ўз манфаатларига мутаносиб равишда ўзгартиришдан иборат бўлган геополитик кучлар янги асрда тарғиботни геополитик мақсад-муддаоларга эришиш воситаси сифатида қабул қила бошладилар. Чунончи, иқтисодий рақобатда тарғибот геополитик кучларнинг жаҳон иқтисодий сахнидаги позицияларини асослаб бериш воситасига, сиёсий рақобатда - уларнинг давлат белгилари, шакллари, сиёсий режимини сингдирувчи омилга, ижтимоий рақобатда - уларга мақбул турмуш тарзини тарғиб қилиш каналига, мафкуравий рақобатда - улар манфаатдор бўлган ғоя ва таълимотлар, анъана ва қадриятларни тарқатувчи қудратга айлантирилди.

REFERENCES

- Гринин Л.Е. Об истории экономических кризисов.- Философия и общество, 2009, №1.- С.5.

2. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўл-лари ва чоралари” мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияси иштирокчиларига.// Ватанимизнинг босқичмабосқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Ж.17.- Т.:Ўзбекистон,2010.- Б.227.
3. Худойбердиев Д. Истеъмолчилик психологияси: шаклланиши тарихи.// ҚарДУ хабарлари, 2017, №1.- 91-б.
4. Чориев С. И. Каримов асарларида ҳозирги замондаги геополитик мақсадмуддаолар талқини.// Ислом Каримов сабоқлари.- Қарши: ҚарДУ,2017.- 40-41-66.
5. Объём мировой торговли достиг докризисного уровня.// m.rosbalt.ru, 2011, 24 февраля.